Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти АХБОРОТ-КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 24 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (10.635)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●18-21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

●«Сирдарёэлектртармоқлари» ОАЖда ўтказилган семинар-йиғилишда электр энергиясидан фойдаланишда ҳисоб-китоб механизмининг тубдан ўзгартирилиши, назорат тизимининг мустаҳкамланиши, шунингдек, жойларда электр энергиясидан мавжуд дебитор қарздорликларни қисқартириш борасидаги ишларнинг жадаллашуви каби масалалар муҳокама қилинди.

●Шу йилнинг 2 май куни Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг «Ижодий парвоз» иккинчи халқаро кинофестивали очилади. Шу муносабат билан Киночилар уйида бўлиб ўтган матбуот анжуманида кинофестивални ташкил этишдан мақсад Марказий Осиё мамлакатлари ёш киночилари ўртасида мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатиш, уларга ўз истеъдодларини намойиш қилишларида кўмаклашиш эканлиги алоҳида таъкидланди.

●Қарши шаҳрида Халқ таълими вазирлиги ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тайинланган бош ҳакамлар ҳамда бошқа мутасаддилар иштирокида «Умид ниҳоллари —2006» спорт мусобақаларига қуръа ташланди.

●Республика биржа марказида Депозитарийларнинг марказий ассоциацияси аъзолари иштирокида семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Миллий депозитарий маркази, Россия депозитарий-клиринг компанияси, Озарбойжон, Қозоғистон депозитарий марказлари ҳамда Украина минтақалараро фонд ассоциацияси вакиллари қатнашди.

● «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти ўзбек Миллий академик драма театрининг жамоаси билан Андижон вилояти меҳнаткашлари ҳузурида қизиқарли чиқишларни уюштирди. Пойтахтдан борган санъат усталари вилоятнинг Шаҳрихон, Жалақудуқ, Олтинкўл ва бошқа туманларида мароқли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишди.

●Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистон» асари янги нашрининг тақдимоти ўтказилди.

●Сурхондарё вилоятида кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом этмоқда. Бу борада эҳтиёжманд оилаларни уй ҳайвонлари, биринчи навбатда соғин сигирлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Узун, Денов, Сариосиё ва бошқа туманларда етмишта сигир совға қилинган бўлса, куни кеча Термиздаги 10 та оилага зотли бузоқлар топширилди.

●Термиз шаҳридаги анча эскириб қолган икки қаватли «Китоблар уйи» замон талаблари асосида қайта таъмирланди. Ушбу янги бинода Тошкентдаги «Шарқ зиёкори» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Термиз филиали иш бошлади. Энди сурхондарёликлар янги китоблардан ўз вақтида баҳраманд бўлишади.

ЖАҲОНДА

●Турли хил чалкашликлар юзага келаётганлиги сабабли Ҳиндистон мудофаа вазирлиги аскарларга душманни йўқ қилганлиги туфайли 1971 йилдан буён бериб келинаётган мукофотни бекор қилди. «Энди ҳарбийлар фақатгина муносиб хизматлари учунгина тақдирланишлари мумкин», дея таъкидлади Ҳиндистон армияси генерали Сингх.

●Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев АҚШ —Эрон музокараларида воситачилик қилиши мумкин. Бу ҳақда Эрон мудофаа вазири Мустафо Муҳаммад Нажарнинг Бокуга қилган расмий ташрифини изоҳлаётган Озарбойжоннинг Day. Az ахборот агентлиги маълум қилди.

●Фаластин мухториятида мамлакатни аввал бошқарган ФАТХ ҳамда ҳозирда бошқараётган ХАМАС гуруҳлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, кеча бир гуруҳ ФАТХ вакилларининг ХАМАС назоратидаги мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳужум уюштириши оқибатида уч киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

●Кеча Германиянинг Мангейм шаҳрида профессионал бокс бўйича энг оғир вазнда Владимир Кличко ва Крис Берд ўртасида жаҳон чемпиони тожи учун ҳал қилувчи баҳс бўлиб ўтди.

●Аргентина оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга кўра, машҳур футбол юлдузи Диего Марадона ошқозон хасталиги билан шифохонага ётқизилган. Шифокорлар бунинг сабаби қилиб, Марадона бир йил ичида 50 килограммга озганлигини кўрсатмоқдалар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●БУГУН Миробод туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, маслаҳатчилари, хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида уюштирилган йиғилишда май, июнь ойларида маҳалла фуқаролари йиғини раиси ва маслаҳатчиси сайловига тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинди.

●БУГУН Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўқувчилар томонидан тайёрланган миллий ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

●БУГУН Бектемир туманидаги «Ниҳол» спорт мажмуасида туман халқ таълими, ҳудудий тиббиёт, маданият ва спорт ишлари, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган «Соғлом авлод—келажак пойдевори» мавзуидаги спорт мусобақаларида мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ўқувчилари, тарбияланувчилари ўзаро беллашди.

●БУГУН Сергели туман ҳудудий тиббий бирлашмасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати «Миллат саломатлиги — юрт қудрати» деб номланди.

●БУГУН Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» маҳалласида «Биз киммиз—қандай буюк зотларнинг авлодларимиз?» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

●БУГУН Ҳамза авиасозлар касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими томонидан «Ҳомийлик ва ватанпарварлик—юксак фазилат» мавзуида уюштирилган давра суҳбати Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

●ЎТГАН куни Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зулфия Сиддиқова билан ёшларнинг учрашуви уюштирилди.

●БУГУН Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги 18-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси—ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» деб номланди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Алким Текстил» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда туман ФҲДЁ бўлими ҳамкорликларида ўтказилган «Оила ва никоҳ» мавзуидаги давра суҳбатида балоғат ёшидаги қизлар иштирок этишди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлимида экология соҳаси етакчилари иштирокида «Сен онамизсан — табиат» шиори остида деворий газеталар кўрик-танлови уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх 2006 йил 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚОДИР БЎЛГАН КУЧ»

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Сканд Ранджан Тайалнинг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоблари



— Элчи жаноблари, Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги дипломатия миссиясига раҳбарлик қилаётганингизга ярим йилдан ошди. Суҳбатимизни Ўзбекистон ва унинг халқи тўғрисидаги таассуротларингиздан бошласак.

— Тошкентга келишим арафасида мамлакатингизда мендан аввал хизмат қилган ҳамкасбларим бу ерда мени жуда илиқ кутиб олишларини айтган эдилар. Айтишим керакки, уларнинг гаплари тўлиқ тасдиғини топди! Ўзбекистоннинг нафақат бой табиий заҳиралари, балки оққўнгил ва меҳнатсевар халқи ҳам бор. Вазирликларда ҳам, бозорларда ҳам мен одамларингизнинг «ҳиндистонлик меҳмон»га нисбатан самимий ва дўстона муносабатда бўлаётганини ҳис қилиб тураман. Бундай муносабат фақатгина Тошкентда эмас, балки Фарғона водийсида ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам бирдай кузатилади. Менда шаҳар ва қишлоқларингиздаги тозалик ва озодалик катта таассурот уйғотади. Бу борада ҳиндистонликлар сизлардан ибрат олса арзийди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил апрель ойида Ҳиндистонга қилган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очди. Ўша ташрифнинг натижалари хусусидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ислом Каримов Жаноби Олийларининг ўтган йил апрелида Ҳиндистонга қилган ташрифи том маънода тарихий аҳамият касб этиб, икки томонлама алоқаларимиз ривожига яхши туртки берди. Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатларимиз ўртасида юқори даражадаги ташрифлар мунтазам равишда бўлиб туради. Бу эса кўп асрлик тарихга эга бўлган алоқаларимиз ва чуқур маданий ўхшашлигимиздан далолатдир.

Ўзбекистон Президентининг ўтган йилги ташрифи чоғида қатор муҳим битимлар имзоланган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Шу жумладан, бошқа келишувлар ҳам ҳаётга татбиқ этилаётир. Хусусан, яқинда Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабалари Галиб институти томонидан ташкиллаштирилган семинарларда иштирок этди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Ҳиндистоннинг Жавоҳарлал Неру номидаги университети вакиллари ўртасида Ҳиндистоннинг иқтисодий тараққиёти ва тажрибасига бағишланган қўшма семинар ўтказилиши ҳам режалаштирилмоқда. Айни пайтда Тошкент ахборот технологиялари университети негизида Ҳиндистон — Ўзбекистон ахборот технологиялари марказини очиш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Бўлажак марказга мамлакатимизнинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлал Неру номи берилади. Ушбу даргоҳнинг расмий очилиш маросимини Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингхнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ўтказиш ниятидамиз.

Давлатларимиз ўртасида яқин, дўстона алоқалар ўрнатилган. Ҳиндистон Ўзбекистон сиймосида Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлай оладиган кучни кўради. Биз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам жуда яхши ҳамкорлик ўрнатганмиз.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар истиқболлари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Аминманки, уларнинг келажаги порлоқ. Айни пайтда бизнинг олдимизда юқори даражага кўтарилган сиёсий муносабатларимизни кенг кўламли иқтисодий ва тижорат алоқалари билан тўлдириш вазифаси турибди. Ҳиндистон билан Ўзбекистон террорчилик балоси нима эканини жуда яхши билади. Биз айни пайтда жуда муҳим ва керакли ишларни амалга ошираётган Террорчиликка қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳини тузганмиз.

— Шу ўринда Ўзбекистон — Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг ҳозирги куни ва истиқболлари борасида нима дея оласиз?

— Йилдан-йилга иқтисодий алоқаларимиз кенгайиб, ривожланиб бормоқда, лекин ҳозирча талаб даражасига чиққани йўқ. Икки мамлакат раҳбарлари ўзаро савдо-сотиқ, сармоявий ҳамкорликни фаолроқ ривожлантиришга даъват этган. Қўйилган мақсадга эришишнинг муҳим механизмларидан бири – бу Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия. Унинг охирги – олтинчи мажлиси жорий йил март ойи бошларида Деҳлида бўлиб ўтди. Унда янги соҳалардаги ҳамкорлик имкониятларини ўрганишни йўлга қўйиш бўйича жуда муҳим қарорлар қабул қилинди. Комиссия углеводород саноати бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузишга келишиб олди. У Gas Authority of India, Ҳиндистон нефть ҳамда табиий газ бўйича комиссияси ҳамда «Ўзбекнефтегаз» ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини ўрганади. Бундан ташқари, Деҳлида Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма ишчи қўмитасининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди, яқинда бу борадаги чора-тадбирларнинг аниқ дастури ишлаб чиқилиши кўзда тутилмоқда. Давлатларимиз ҳамкорлик қилишни мўлжаллаётган яна бир соҳа – бу геология ва тоғ-кон саноати. Сизнинг мамлакатингиз табиий заҳираларга жуда бой, бизнинг компанияларимиз эса уларни қазиб олиш ва сотишда ёрдам бериши мумкин.

Компанияларимиз ўртасида тўқимачилик ва ипакчилик саноати, дори-дармон ишлаб чиқариш каби соҳаларда қўшма корхоналар тузиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда. Шунингдек, технологиялар алмашинуви, фан ва технология, қишлоқ хўжалиги, информатика соҳаларида таълим беришни йўлга қўйиш бўйича алоқаларни фаоллаштиришимиз лозим.

Айни дамда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган ҳужжатлар лойиҳасининг муҳокамаси кетмоқда. Мамлакатларимиз етакчиларининг Тошкентдаги учрашуви ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишини тезлаштиради, деб умид қиламиз.

— Кўп йиллардан буён Ўзбекистон пойтахтида Лаъл Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданий маркази фаолият юритиб, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва академик алоқаларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Айтингчи, бу каби марказлар дунёнинг қайси давлатларида мавжуд?

Маданият марказини ташкил этиш бирмунча қиммат лойиҳа ҳисобланади. Шу боис биз бу каби муассасаларни фақатгина ўзимизга дўст бўлган ва Ҳиндистоннинг бой ва серқирра маданиятини ўрганишга қизиқиш билдирилган мамлакатлардагина очамиз.

Тошкентдаги марказ хусусида тўхталиб, унинг фаолияти мени тўлиқ қониқтираётганини таъкидлашни истардим. Бу ерда ўз касбининг фидоийлари меҳнат қилади. Ўзбекистонлик ўқувчилар эса машғулотларга тиришқоқлик билан ёндашмоқда. Менда юртингиз вакилларининг ҳинд рақслари, табла чалиш, ҳинд тилини ўрганишга бўлган интилиши ва бу борадаги ютуқлари катта таассурот қолдирди. Яқиндан бошлаб биз, ўзбекистонликларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда, Ҳиндистондан йога бўйича мутахассисни таклиф этдик ва у айни пайтда марказда дарс бера бошлади. Маълумки, йога инсонга терапевтик таъсир ўтказиб, тушкунлик кайфиятини енгиб ўтишга ёрдам беради. Ўйлайманки, тошкентликлар орасида йога дарслари муваффақият қозонади.

Элчихонамиз Тошкент билан бир қаторда Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари аҳолисини ҳам ҳинд маданияти билан яқинроқ таништиришни режалаштирмоқда. Айни пайтга қадар маҳаллий маъмурият вакилларининг кўмагида Андижон ва Фарғона шаҳарларида маданий марказимиз ижодий гуруҳларининг чиқишлари катта муваффақият билан ўтказилди. Шу каби тадбирларни республиканинг бошқа ҳудудларида ўтказиш кўзда тутилган. Келажакда эса Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида ҳинд фильмлари фестивалини ўтказишни ният қилганмиз ва ўз навбатида Ҳиндистонда ўзбек киноси фестивалининг ўтказилишига умид қилиб қоламиз.

Шуҳрат УМИРОВ суҳбатлашди, «Жаҳон» АА мухбири.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЧУҚУР ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТДА ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ НАТИЖАЛАРИ МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ҲУКУМАТНИНГ ЯКУНИЙ ЙИҒИЛИШИДА 2006 ЙИЛ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Бахтиёр Тоҳиров ахборотига кўра, ҳисобот даврининг вазифалари татбиқ этилишида асосий эътибор иқтисодиётдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, хусусий секторни тадбиркорлик учун қулай муҳитни шакллантириш ҳисобига мустаҳкамлаш, экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, коммунал соҳасидаги ислоҳотларни давом эттириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш масалаларига қаратилди.

(Давоми 2-бетда)



ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЧУҚУР ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ ЭТАДИ





(Давоми. Боши 1-бетда)

Биринчи чорак мобайнидаги ижобий силжишлар асосан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми унинг таркибида моддий ишлаб чиқариш соҳалари улуши ортганлиги ҳисобига 108,7 фоизга ошганлиги билан таърифланади. Жумладан, январь-март ойларида саноатда ишлаб чиқариш ҳажми — 23,7 фоизга, халқ истеъмоли моллари ҳажми — 24,2 фоизга, чакана савдо айланмаси — 11,4 фоизга, пуллик хизматлар ва пудрат ишлари ҳажми — тегишли равишда 4,5 ва 5,5 фоизга ортгани кузатилди.

Ўтган давр мобайнида хўжалик субъектларининг ташқи- иқтисодий алоқалари кўлами кенгайиб, бу борада савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,1 фоизга кўп бўлди. Бунда экспорт ҳажми 134,8 фоизга таъминланган бўлса, маблағ кўринишида бу кўрсаткич 399,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Кейинги вақт ичида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда қонунчилик-меъёрий негизни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган чоратадбирлар натижасида, хусусан солиқ юкининг қисқартирилиши, ҳисоботлар ҳамда назорат органлари томонидан юритиладиган текширувларнинг камайтирилиши айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига ҳам ижобий таъсир этиб, бу субъектларнинг иқтисодиётдаги улуши анча самарали бўлди. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 48 фоизи тадбиркорлик тузилмалари ҳисобига таъминланган.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳисобот чорагида давлат даромадлари 113,9 фоизга ортиғи билан бажарилди. Маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажми эса 102,6 фоизни ташкил этди.

Январь-март ойларидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар таъминланиши ҳисобига вақтида шакллантирилган бюджет маблағларини биринчи навбатда ойлик маоши, стипендия, пенсия ва нафақалар учун ижтимоий тўловларни амалга оширишга йўналтирган ҳолда шунингдек, мактаб таълимини ҳамда болалар спортини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш каби дастурий вазифаларни тўлиқ бажаришга эришилди.

Ўтган вақт давомида шаҳарда ободонлаштириш ва қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. Жумладан, умумий узунлиги 61 километрдан иборат Ўзбекистон, Афросиёб, Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий кўчалари қайта таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, Тошкент Халқа йўлидан Янги Сергели ва Чоштепа кўчаларига чиқиш орқали вилоятлардан катта юк автомашиналарини пойтахт ҳудудига киритмасдан айланиб ўтиш имкониятини яратувчи 3,6 километрга тенг автомобиль йўлининг навбатдаги босқичи фойдаланишга топширилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ижросини таъминлаш доирасида Шайхонтоҳур туманида иккита янги оилавий поликлиника, Мирзо Улуғбек туманида қайта таъмирдан сўнг сил касалликлари шифохонаси фаолият юрита бошлади. Шу мақсадларда бюджетдан —1,5 миллиард сўм, ҳомийлар ҳисобидан — 3,2 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Ўз навбатида, эришилган натижаларнинг таркибий кўриниши таҳлили шуни кўрсатдики, айрим соҳа ва тармоқларда муаммолар мавжудлигича қолмоқда. Йиғилишда қайд этилганидек, уларни вақтида ҳал этиш борасида, хусусан молиявий-иқтисодий кўрсаткичларда мувозанатни таъминлаш масалаларида баъзи раҳбарлар томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилган.

Саноатда умуман юқори ўсиш таъминланганига қарамай, асосий корхоналарнинг 33,5 фоизида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун етарли айланма маблағлари мавжуд эмаслиги, амалдаги имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлиги сабабли саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми — 10,7 миллиард сўмга, истеъмол моллари ҳажми — 3,9 миллиард сўмга камайган.

Ҳисобот даврида ҳокимликнинг тегишли тузилмалари ҳамда доимий фаолият юритувчи комиссиялари томонидан зарар кўриб ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш юзасидан олиб борилган тадбирлар натижасида 12,5 миллиард сўмлик зарарни қисқартиришга эришилди. Аммо жорий йилнинг ҳисобот даври якунига 55 та корхона 28,5 миллиард сўмга тенг зарар билан чиққани бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг унчалик самара бермаётганидан далолатдир.

Хўжалик субъектларининг қарздорлик масаласи сурункали бўлиб қолаётгани ҳам ачинарли ҳолдир. Хусусан, жорий йил бошига нисбатан ўтган уч ой давомида корхоналарнинг муддати ўтган дебитор қарзи 294,1 миллион сўмга ошган бўлса, муддати ўтган кредитор қарзи — 14,9 миллиард сўмга кўп бўлган. Айнан шу корхоналар ойлик маоши бўйича қарздор субъектлар рўйхатида биринчилардан бўлиб туради деса хато бўлмайди. Умуман олганда эса 111 та корхона ва ташкилотнинг январь-март ойида ишчи ва хизматчиларга қарзи 3,2 миллиард сўмни ташкил этди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, биринчи чоракда қарздор субъектлар сони ўзгармаган бўлса-да, аммо бевосита қарз ҳажми 200 миллионга ошгани кузатилди ва бунинг асосий қисми Чилонзор, Миробод, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Яккасарой ва Собир Раҳимов туманлари ҳисобига тўғри келади. Муҳокама давомида таъкидлаб ўтилганидек, бундай ҳолатнинг юзага келишида бозор иқтисодиёти талабларининг оддий қонун-қоидаларига амал қилинмагани, яъни, маълум бўлишича, ўзаро ҳисоб-китоблар ҳамда шартнома тузиш масалаларига масъулиятсизлик билан ёндашилгани сабабдир.

Юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликлар шунингдек, касаначиликни ривожлантиришга йўналтирилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ташкилий масалаларга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатган. Хусусан, Бектемир тумани ҳокими Акмал Ҳошимжонов ахборотига кўра, «Норуда», «Кока-кола» ичимлиги, бошқа бир қатор ҳудудий тасарруфдаги йирик корхоналарнинг фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бевосита аҳоли билан кооператив ҳаракатни амалга ошириш имконияти мавжуд эмас. Бугунги кунда туманда фақат битта корхона — ёритгичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Нурель» хусусий фирма ҳисобига атиги бешта жой очишга эришилди. Режа кўрсаткичида бу атиги 19 фоизни ташкил этади. Умуман олганда Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманларидан ташқари, бирон-бир бошқа туман уй шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни бажармаган.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Бадриддин Камолов амалга оширилган ишлар устида қисқача тўхталиб ўтиб, ҳисобот даврида касаначилик ҳисобига 1045 та янги иш ўринлари очиш бўйича белгиланган режанинг ундан икки қисми бажарилганини қайд этди. Шу билан бирга, таҳлилларга қараганда, 70 фоизга тенг шартномалар ҳам асосан якка тартибдаги фаолият бўйича таъминланган. Бу борада мамлакат Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони нафақат ижтимоий нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланган масала — уй шароитида меҳнатни қўллаб-қувватлашни кўзда тутади, балки шунингдек авваламбор йирик субъектлар фаолиятида самарадорликка эришиш, уларнинг айрим харажатлари бўйича маблағларини иқтисод қилиш масалалари ечимига йўналтирилгандир. Аммо, йиғилишда айтиб ўтилганидек, бугунги кунда туман ҳокимликлари ва тегишли тузилмалари томонидан бу борадаги ишлар етарли даражада олиб борилмаётир, қолаверса, белгиланган вазифаларни татбиқ этиш юзасидан аниқ механизм ҳам ишлаб чиқилмаган.

Фаоллар йиғилишида шунингдек ички бозорни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш масаласи чуқур таҳлил этилди. Жумладан, мамлакат раҳбари ҳамда ҳукуматнинг маҳсус қарорлари ижросини таъминлаш борасида пойтахтда шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида бевосита республика вилоятларидан шаҳар туманлари ва вилоят ҳокимликлари ўртасида тузилган шартномалар асосида ҳўл мева ва сабзавотларни келтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда шаҳарда 11 та қишлоқ хўжалик ярмаркаларидан ташқари, қўшимча равишда аҳоли зич яшайдиган мавзеларда 35 та махсус «дала-дўкон»лари очилган бўлиб, уларда сотилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда нархи бўйича анча фарқ қилади. Ўтган вақт мобайнида республика деҳқон-фермер хўжаликларидан пойтахтликлар учун 38,4 минг тонна ҳўл мева ва сабзавотлар келтирилган.

Аммо, йиғилишда таъкидланганидек, тегишли қарорларнинг мазмун-моҳиятини таъминлаш, хусусан шаҳар аҳолисининг ҳам сифатли, ҳам арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини айнан рақобат шароити яратиш ҳисобига қаноатлантириш борасида ваколатли раҳбарларга изчиллик етишмаётир.

Учтепа тумани ҳокими Шуҳрат Муҳамедхонов маълумоти бўйича, туманга Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан аввалдан тузилган шартномалар асосида доимий равишда маҳсулотлар келтирилиши лозим. Бироқ на бу, на бошқа туманлар маҳаллалари ҳудудларида доимий равишда фаолият юритувчи «дала-дўкон»ларни қуриш вазифасини бажармаган, шунингдек фьючерс шартномалари тузиш, яъни ўзаро муносабатларнинг бу муҳим бўғини орқали фермер хўжаликларига аванс тўловларини таъминлаб бермаган. Бу эса ўз-ўзидан савдо шохобчаларига тўғридан-тўғри маҳсулотларни вақтида келтириш ва аҳолига қулай бўлган нархларда сотишга асосий тўсиқ бўлиб қолаётир.

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Сагдиевнинг ахбороти муҳокамаси борасида ҳам айнан истеъмол маҳсулотларининг нарх-навоси масаласи диққат-эътиборда бўлди. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Ботир Хўжаев таъкидлаб ўтганидек, ушбу масала биринчи навбатда мамлакатнинг валюта маблағларини иқтисод қилиш нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади ва шундан келиб чиққан ҳолда ажратилаётган кредитлар, шунингдек, маҳаллий ҳамда ташқаридан киритилаётган халқ истеъмоли моллари ҳажмини инобатга олган равишда товар ва хизматлар импорти таркибини чуқур таҳлил этиб, хорижий товарлар улушини асосан замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар ва хом ашёлар ҳисобига ошириш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълум бўлишича, асосий ишлаб чиқариш имкониятлари пойтахтда жамланганига қарамасдан, республика миқёсида импорт ҳажмининг 58 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келар экан. Шуни инобатга олиб ҳамда бу борадаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича мажмуага Иқтисодиёт бош бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқарма билан биргаликда шаҳардаги барча зарар билан ишлаётган корхоналар таркибий равишда таҳлил этилиб, уларнинг иқтисодий аҳволини тузилмавий ўзгартириш ҳамда ички бозорда талабгор бўлган маҳсулотлар, айниқса халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариши учун барча имкониятлар яратиш чораларини кўриш юзасидан топширик берилди.

Шу билан бирга, Марказий банк шаҳар бошқармасига ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб рақамларини кенгайтириш, тижорат банкларининг айланма маблағларини ишлаб чиқариш корхоналарининг қимматли қоғозларига йўналтириш орқали кўпайтириш, кредит маблағларини биринчи навбатда янги асбоб-ускуналар харид этишга йўналтирилган аниқ лойиҳаларга ажратиш лозимлиги тавсия этилди.

Коммунал соҳасини ислоҳ қилиш масалалари кўриб чиқилиши давомида фаоллар эътибори хизматлар учун бўлган дебиторлик қарздорликни қисқартириш, энергия ресурсларини иқтисод қилиш, аҳоли ўртасида хусусий мулкка бўлган масъулиятини ошириш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш борасида мажмуавий ёндашув зарурлигига қаратиб ўтилди.

Йиғилишда шунингдек, шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тамара Ермакова ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Исломовнинг мамлакат раҳбарининг бюджет соҳалари ишчи-хизматчилари меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилган тегишли Қарорлари ижроси юзасидан ахборотлари тингланди. Ушбу масала муҳокамаси давомида тегишли тузилмалар раҳбарларининг бегиланган қонун-қоидаларга мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шаклларини аниқ татбиқ этиши, махсус комиссияларнинг жамғармалар маблағларини ҳар бир ишчи-хизматчининг шахсий ҳиссаси ва фаолияти натижасига қараб тақсимланиши бўйича масъулиятини ошириш кераклигига урғу бериб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида барча билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

●Теҳрон Очиқ Ислом университети олимлари «Токамак» типидаги термоядро синтези технологиясига эришганларини эътироф этишмоқда. Бу ҳақда Эроннинг Mehr News ахборот маҳкамаси хабар беради. Агентлик эътирофича Эрон «жаҳонда биринчи бўлиб мазкур технологияга эришган давлатдир. Мазкур технологияни тараққий этган давлатлар 20 йил давомидагина яратишлари мумкин ва у турли мураккаб лойиҳаларни амалга оширишни енгиллаштиради». Ҳозирда Россия ва яна олти давлат ҳамкорликда Франциянинг Карадаш шаҳрида халқаро термоядро реактори қуриш ҳақида келишиб олишган. Мазкур лойиҳа асосида ҳам Россияда яратилган «Токамак» термоядро ускуналарида эришилган натижалар ташкил қилади. Термоядро реакторида водопровод ядроси изотоплари синтези натижасида ҳосил бўладиган қувват ишлатилади. Бундай реакторда изотоплар тўлиқ ёниб битади ва натижада радиактив чиқитлар чиқмайди ҳисоб. Ихтирочилар бу йўл билан инсоният олдида катта муаммо бўлиб турган энергия тақчиллигига барҳам бериш мумкин деб ҳисоблашмоқда.

● Исроилдаги Вейцман институти олимлари мия ҳужайралари (нейронлар) орасида ахборот алмашиниши кескинлашишининг сабабини аниқлашга муваффақ бўлишди. Бу ихтиро Альцгеймер ва Паркинсон, эпилепсия, асаббузарликлар ва мия ишлаши бузилиши билан боғлиқ бошқа касалликларни даволаш учун восита ишлаб чиқишда ёрдам беради. Мия ҳужайраларининг ионли-электрон импульслар ва ўзига хос кимёвий моддалар ажратиш йўли билан ўзаро ахборот алмашиниши фанда аллақачон маълум. Бироқ бундай механизм ишлаши тафсилотлари ҳали ойдин эмасди. Вейцман институтида профессор Генри Маркрам раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотлар бу жумбоқни бироз ечган кўринади. Олимлар томонидан GABA деб номланган кимёвий модда ажратиб чиқарилишига эришилди. Унинг бош миядаги миқдори нейронлар орасида сигналлар алмашиниши тезлигига таъсир кўрсатди. Шунингдек, бундай модда ажратиб чиқарадиган ҳужайралар ҳам аниқланди. Айнан мазкур «назорат ҳужайралари» нейронлар орасида импульслар алмашиниши тезлиги ва сифатига жавобгардир. Вейцман институти олимлари ихтироси нафақат неврология, балки шу билан бирга асаб касалликлари, хусусан, шизофрения, маникал-депрессия психози ва эпилепсияни даволаш учун қўлланиладиган дориларни ишлаб чиқишни жадаллаштириш имконини беради.

●«Асаф ха-рофе» касалхонаси профессори Йегошуа Бен-Нун кўз қобиғи функциялари бузилишини даволайдиган услубни ишлаб чиқди. Шу пайтга қадар бундай патологияни даволаш лазер нури ёрдамида «ортиқча» томирларни куйдиришга асосланарди. Бироқ, бундай операция томирларнинг вақтинчалик фаолият юритмаслигига олиб келарди, бундан кейин улар қайта ўсиб кетарди. Натижада қиммат турадиган жараённи бир неча бор такрорлашга тўғри келарди. Профессор Йегошуа Бен-Нун ортиқча томирларни йўқотадиган жараёнларни бошқарадиган ҳамда уни атиги бир марта ўтказиш имконини берадиган, шунингдек, кўз кўришига тўсқинлик қиладиган қон тўри қайта ривожланиб кетишининг олдини оладиган компьютер электрон-оптика тизимини ишлаб чиқди. Янги тизим соғлом ҳужайраларга таъсир кўрсатмаган ҳолда кўздаги халақит берадиган капилярларни йўқ қилиш имконини беради.

● Автомобиль ҳайдовчиларининг йўлда тешилган баллонга дам-ҳаво бериш жараёнини Англиядаги фирмаларнинг бири осон ҳал қилиб, ҳайдовчилар учун энг қулай бўлган митти компрессор ихтиро қилди. Автомобиль аккумуляторидан ишлайдиган бу компрессор ёрдамида бир дақиқада камида 6 литр ҳавони ҳайдаб, катта автомобиль баллонини 90 сонияда ҳаво билан тўлдиради. Ишлатиш жуда осон, қулай.

● Венгриянинг «Mezegeп» заводи помидорни ўзи териб, саралаб, қутиларга жойлайдиган комбайн яратди. Бу комбайн кўплаб қўл меҳнатини тежаб, соатига камида 20 тонна помидорни қутиларга жойлайди.

● Маълум бўлишича, сайёрамизда биринчи темир йўл тарихчиларнинг ҳисоб-китобларидан бирмунча илгари қурилгандир. 1664 йили қирол Людовик XVI буйруғи билан Париж шаҳрида узунлиги бор-йўғи 100 метр бўлган темир йўл қурилган. Унга қирол тушган арава ўрнатилиб, кўплаб хизматчилар ёрдамида юргизилган.

●Вашингтоннинг Смитсон олий билимгоҳи олимлари Шимолий Америкада яшовчи ҳиндулар бундан уч минг йил муқаддам ҳам тишларини даволатишган, деган хулосага келишди. Олимлар ўз-ўзидан бундай хулосага келганлари йўқ албатта. Улар эрамиздан аввалги 1200 йилга тааллуқли мақбарадан аёл бош суягини топдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бош суягдаги бир неча тиш таркиби номаълум бўлган цемент қоришмаси билан пломбаланган экан.

● Франциянинг Леон шаҳри клиникаларининг бирида машҳур жарроҳ Жан Мишель бошчилигида жаҳон тиббиёт тараққиётида барчани лол қолдирган бурилиш ясалди. У 50 кишилик шифокорлар гуруҳи билан (улардан 15 таси энг тажрибали жарроҳлар), 1996 йили ракета портлаши натижасида тирсагидан кейинги қисми узилиб кетган бир йигитнинг қўлига жарроҳлик усули билан тўсатдан вафот этган одамнинг қўлини кесиб ўтказишга қарор қилди. Узоқ давом этган операция жараёни ижобий натижа билан ҳал бўлди. Операция жараёни йўлдош телевидениеси орқали кўп мамлакатларда намойиш этилди. Келажакда бахтсиз ҳодиса туфайли кесилиб кетган оёқларни ҳам кўчириб ўтказиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг 2005 йил 26 август куни Қозон шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Чернобиль фожиасининг 20 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Мурожаати қабул қилинган эди. Қуйида ана шу Мурожаат матни эълон қилинмоқда.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ЧЕРНОБИЛЬ АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИДА РЎЙ БЕРГАН АВАРИЯНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МДҲГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА

МУРОЖААТИ

2006 йил 26 апрель куни Чернобиль атом электр станциясида авария юз берганига 20 йил тўлади. У етказган зарари ва оқибатлари кўлами жиҳатидан XX асрнинг энг йирик техноген радиацион фожиаси ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари Чернобиль аварияси оқибатларини ёдга олган ҳолда, ушбу фожиа юз берган сана муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар халқларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларга, бутун жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилади.

Мазкур авария натижасида ўзини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмаган, бу қандай кулфат эканлигини қийинчилик билан тушуниб етган миллионлаб одамлар бу мусибатдан танг ҳолга тушди. Кўплаб оилалар уй-жойидан айрилди, тирикчилик манбаидан маҳрум бўлди, одатдаги турмуш тарзи ва шароитини ўзгартиришига тўғри келди.

Чернобиль атом электр станциясида рўй берган фожиа оқибатларини туғатишда қатнашган юз минглаб одамлар — ҳамюртларимиз жасорат ва жонбозлик кўрсатмаганида фалокат кўлами мислсиз даражада катта бўлиши мумкин эди. Улар ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, ўз бурчини адо этдилар ҳамда одамларни радиациянинг ҳалокатли таъсири ва янада кенг тарқалишидан ҳимоя қилдилар.

Фожиа оқибатларини бартараф этиш борасида ўша вақтнинг ўзида ва кейинги йилларда фавқулодда катта харажатлар талаб қиладиган чоралар кўрилганига қарамай, Чернобиль атом электр станцияси ҳамон Европа марказидаги катта хавф манбаи бўлиб қолмоқда. Бу таҳдидни яқин вақт ичида ва энг янги технологиялар асосида камайтириш бизнинг умумий манфаатларимизга мос келади.

Шу муносабат билан жаҳон ҳамжамиятининг илмий-техникавий ва молиявий салоҳиятини марказлаштирган ҳолда мазкур «Ёпиқ» объект хавфсизлигини мустаҳкамлаш масаласига йўналтириш зарур.

Ҳозирги босқичда зарарланган ҳудудларни комплекс тарзда радиацион ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тиклаш ушбу даҳшатли фожиа оқибатларини бартараф этиш борасидаги энг долзарб муаммолардандир.

Айни пайтда зарарланган минтақаларда шароит ўта мураккаб бўлиб, бу экологик инфратузилманинг вайрон бўлгани, меҳнат ресурсларининг четга чиқиб кетгани ва демографик муаммолар билан боғлиқ. Атроф муҳитнинг Чернобиль атом электр станциясида юз берган фожиадан кейинги ҳолати аҳоли учун яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини чеклаб қўймоқда. Айниқса зарарланган ҳудудларда яшаётган аҳоли ва фожиа оқибатларини бартараф этишда қатнашган одамларнинг саломатлиги жиддий ташвиш туғдиради.

Тиклаш ишларидан кўзланган асосий мақсад — зарарланган минтақаларни барқарор ривожлантириш ва уларнинг иқтисодини кўтариш — янги ёндашувлар, илмий асосланган қарорлар, катта миқдордаги моддий харажат, халқаро ҳамжамиятнинг молиявий, техникавий ва илмий кўмагини талаб этади.

Биз Чернобиль фожиасининг кўлами мислсизлигини, кўплаб авлодлар ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкинлигини англаган ҳолда, Чернобиль атом электр станциясида рўй берган авария натижасида қурбон бўлган инсонлар хотирасини ёд этиш ва соғлиғини йўқотганларга ғамхўрлик кўрсатиш, мазкур кулфат оқибатларини камайтириш учун бор имкониятларимизни ишга солиш йўлидаги қатъий азму шижоатимизни маълум қиламиз.

Почта алоқаси:

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЮРТИМИЗДА АХБОРОТ-ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ АЛОҚАСИ ВА БОШҚА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНАЁТГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.

— Ўтган йиллари мамлакатимиз почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-телекоммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш ишлари сезиларли даражада жадаллашди, — дейди «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти бош директори биринчи ўринбосари Сувон Нажбиддинов. — Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» ва 2005 йил 19 майдаги «2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Уларда почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, маркетинг тадқиқотларни ташкил этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришдек вазифалар белгилаб берилган.

2005 йил жойлардаги почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, почта жўнатмалари ва пул маблағлари тўла сақланишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари филиалларида комплекс текширув ўтказилди ва айрим ҳолларда қонун бузилишларига йўл қўйилгани аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича тўпланган ҳужжатлар тегишли идораларга тақдим этилди.

Айни пайтда вақтли нашрларни ҳар бир хонадон, ташкилот ва корхона муштарийларига ўз вақтида етказиб беришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ўтган йили ёзма хат-хабарлар етказиб бериш 5 фоиз, посилкалар - 8 фоиз кўпайди. Юртимиздаги почта алоқа бўлимларини замонавий талаблар даражасида жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини янада такомиллаштириш мақсадида турли русумдаги 58 та автомашина, янги компьютер техникалари, электрон пул жўнатмалари мажмуи, электрон ўлчов ва бошқа воситалар харид қилинди.

«Ўзбекистон маркаси», «Халқаро тезкор почта» ва «Халқаро почтамт» филиалларининг бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилди. «Халқаро почтамт»да штрихкодларни елимлаш йўлга қўйилиб, уларни «ўқийдиган» қурилмалар ўрнатилди. Электрон пул жўнатмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилди. Айни пайтда бу хизматдан вилоятлар марказларида ҳам фойдаланилмоқда.

Чекка қишлоқлардаги почта хизмат бўлимлари, шаҳарлараро сўзлашув пунктлари аҳолига намунали хизмат кўрсатяпти. Интернет, электрон почта, факс, ксерокопия, курьерлик, коммунал ва телефон тўловларини йиғиш хизматлари ҳам тўла бажарилмоқда.

Айни пайтда «ЎзАлоқаКонсалтинг», Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази билан ҳамкорликда 2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида янги хизмат турларини жорий этиш ва ривожлантириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилаётир.

«Ўзбекистон почтаси» тизимида Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришни кўзлаб амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар кўлами янада кўпаяди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТДАГИ ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ МАРКАЗИДА «ЯПОНЛАР — КИМЛАР УЛАР?» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тақдимот

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ АКС ЭТГАН

Китоб муаллифи Баҳодир Турғунов Ўзбекистон Бадиий академиясининг санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, Германия Археология институтининг мухбир аъзоси, 1989 йилдан бери япон олимлари билан илмий ҳамкорлик шартномаси асосида экспедиция раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қадимшунос олим сифатида ҳозиргача Ўрта Осиёда 100 дан ортиқ экспедиция текширувларини уюштирган. Олим бир неча йиллар давомида Японияга қилган илмий сафарлари натижасида олган шахсий таассуротлари, эшитган, кўрган ва ўқиганлари асосида, японларнинг урф-одатлари, қадимий шаҳарлари, архитектура, археология обидалари, музейлари, замонавий иншоотлари, техникаси ва бошқалар ҳақида маълумотлар, ўйларини берган. Маълумотларнинг айрим томонлари тадбирда намойиш этилган видеофильмда ўз аксини топган. Китоб ва фильмдаги кўзга ташланган умуминсоний қадриятлар кишини руҳлантиради.

Сўзга чиққан Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг биринчи котиби Китагава Тацую, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори, профессор Мавлуда Юсупова ва бошқалар, шунингдек, биз суҳбатга тортган профессорлар Ботирхон Акрамов, Темур Жўраевлар муаллифнинг изланишлари ва фидойилиги, китобнинг ўзлигимизни, умуминсоний қадриятларни, Ўзбекистоннинг жаҳонга чиқишини англашдаги ҳамда Япония билан бундан буён илмий, маданий ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр билдирдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
доцент

Иқтисодиёт

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ЯРАТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. ЧУНКИ, ИҚТИСОДИЁТИ ЮКСАК ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН МАЪЛУМКИ, ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ КЎРСАТУВЧИ БАРОМЕТР— БУ МАМЛАКАТДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ҲОЛАТИДИР.

Иккиламчи бозорнинг ривожланиши эса икки асосий муаммонинг ечими билан боғлиқ. Яъни, қимматли қоғозлар ликвидлилигини ошириш туфайли жаҳоннинг етакчи фонд биржаларида бир эмитентнинг қимматли қоғозлар бўйича ҳар куни катта миқдордаги битимлари тузилиши ҳамда қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари тўғрисидаги ахборотларнинг ошкор этилишидир.

Давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойилларига қуйидагилар киради. Жумладан:

— фонд бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини назорат қилиш масалалари бўйича институционал тартибга солишни функционал тартибга солиш билан биргаликда олиб бориш;

— давлат ёрдами билан унинг назорати остида барпо этиладиган бозорнинг ўзини-ўзи тартибга солиш механизмларидан фойдаланиш;

— бозорни тартибга солишга доир ваколатларни ижроия ҳокимиятнинг турли органлари ўртасида тақсимлаш;

— бозорни тартибга солиш тизимини ривожлантиришда майда сармоядорлар ва аҳоли томонидан, шунингдек, жамоа бўлиб инвестицияларнинг барча шаклларини ҳимоялаш устуворлиги;

— хатарларни максимал даражада пасайтириш ва тақсимлаш.

Бунда:

— қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш чоғидаги хатарларни пасайтириш мақсадида йўқотишлар ўрнини қоплашнинг турли хил шаклларини, қимматли қоғозлар бозорида ўзаро кафолатлар ва суғурталаш тизимларини яратиш;

— қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бўлган ташкилотларда етакчи лавозимларни эгаллаб турган шахсларнинг касб ваколатига бўлган талабларини ошириш;

— уюшган бозорларда қимматли қоғозлар билан савдо қилишнинг бир жойга жамланишини рағбатлантириш;

— қимматли қоғозлар билан операциялар қилишда «электрон имзо» тизимини жорий этиш ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган масалалар амалиётда тўғри йўлга қўйилса, дунёдаги етакчи фонд биржалари билан алоқалар ўрнатилса, қимматли қоғозлар билан операция қилувчи корхона ва муассасалар кўпайса, уларнинг манфаатлари ҳимояланса ва даромад ортса, қимматли қоғозларнинг ликвидлилик даражаси кўтарилса, иқтисодиётда ўсиш кузатилади ва натижада аҳоли турмушининг фаровонлиги ортади.

Ф.МУҲАМЕДОВ,
Ш.МАРДОНОВ,
Тошкент молия институти магистрантлари

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

БОЛАЛАР СОҒЛИҒИ — МУҲОФАЗАДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР» ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ БИРИНЧИ НАВБАТДА ЖАМИЯТДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА, ЖИСМОНИЙ СОҒЛОМ ВА МАЪНАВИЙ БОЙ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА, ТИББИЙ СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА ҚАРАТИЛГАН БЎЛСА, ШУНИНГДЕК, ҲОМИЙЛИК ҲАРАКАТИ, ҲОМИЙЛАРНИНГ МАВҚЕИ ВА МАҚОМИНИ КУЧАЙТИРИШ, БЕҒАРАЗ ВА ОЛИЖАНОБ ИНТИЛИШЛАРНИНГ ЮРТИМИЗДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНИШИ ЖУДА ҚУВОНЧЛИДИР.

Яқинда Шайхонтоҳур туманида очилган 14-оилавий поликлиника ўзининг илк одимларини хайрли ишлар билан бошлагани ҳам эзгуликнинг дебочасидир. Куни кеча ушбу масканда ўтказилган «Болалар бизнинг борлиғимиз» деб номланган тадбирга тумандаги 200 нафар нотирон болалар таклиф қилинди. Улардан 150 нафари невропатолог, кардиолог, неонтолог, терапевт, эндокринолог, педиатрлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Тумандаги «Самарқанд дарвоза» маҳалласида истиқомат қилувчи 50 нафар бола эса гриппга қарши эмланди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Клара Ёдгорова, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Исломов сўзга чиқиб, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш, ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар саломатлигини тиклаш бугунги куннинг долзарб масалалари эканлиги, кўнгли ўксик ногирон болалар соғлиғини яхшилаш, уларга мурувват кўрсатиш ҳар бир одамнинг инсонийлик бурчи бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, тадбирда «Нестле» компанияси болажонларга турли хил совғалар улашди. «Ором» гуруҳи ижросидаги дилрабо қўшиқлар, дилбар рақслар эса йиғилганларнинг қалбига шодлик бахш этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Мулоҳаза

САҲНАДА — «ТОШКЕНТНИНГ НОЗАНИН МАЛИКАСИ»

КЎП ЙИЛЛАР ТЕАТРДАН ОДАМ ҚОЧДИ, ДЕБ КЕЛДИК. САБАБИНИ РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ЭШИТТИРИШЛАРИДАН ҚИДИРДИК. ТОМОШАБИННИ ЭРИНЧОҚҚА ЧИҚАРДИК. ЭНДИ ҚАЧОН МУХЛИСЛАР ТЕАТРГА ҚАЙТИШИНИ ЎЗИМИЗЧА ТАХМИН ҚИЛИБ ЯШАДИК. ШУ ҲАҚДА БЎЛИБ ЎТГАН МУНОЗАРАЛАР, АНЖУМАНЛАРДА ҲАР ХИЛ ФИКРЛАР БИЛДИРИЛДИ. ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС, ВАЗИЯТНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАЙ ОЛАДИГАН МУНАҚҚИДЛАРНИНГ ФИКРИ БОШҚАЧА БЎЛДИ. АЙБНИ ДРАМАТУРГИЯ ВА ТЕАТРНИНГ ЎЗИДАН ҚИДИРИШДИ. БУ ФИКРНИНГ НАҚАДАР ТЎҒРИЛИГИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ИСБОТЛАДИ.

Театр кўзгуси, бу — пьеса — драматургия. Яхши асар қайси жанрдалигидан қатъи назар ҳамиша томошабинни ўзига жалб этиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бунинг исботи учун театрлар учун тушкунлик даври ҳисобланган ўша йилларда ҳам Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони», Уйғуннинг «Парвона»си, Шароф Бошбековнинг «Темир хотин»и, Санжарали Имомовнинг «Суперқайнона»си қўйилган кунлар ҳамиша театр заллари томошабинларга тўлганлигини айтиб ўтиш кифоя. Билиб турибмиз, баъзилар ахир номлари юқорида зикр этилган спектакллар комедия жанрида ёзилган, шунинг учун ҳам улар кулгу шайдоларини ўзларига кўпроқ жалб этган дейишлари мумкин. Уларга жавоб тариқасида айтишимиз мумкинки, хўш, театр саҳналарида бундан бошқа комедиялар йўқмиди? Бор эди. Уларни истаганча санаш мумкин. Лекин гап бу ерда саноқда эмас, салмоқда. Ўша спектакларнинг қай даражада тарозунинг палласини босишида.

Агар яхши пьеса бўлса, у истеъдодли режиссёр томонидан маромига етказиб саҳнага қўйилса албатта бу асар томошабинга манзур бўлади. Ҳамма гап ана шунда. Буни биргина Муқимий номидаги мусиқий театр мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, сўнгги йилларда бу театрда бир қатор янги пьесалар қўйилди. Улар жумласига «Осмоннинг бағри кенг», «Додагинам», «Бахтли бўл дугонажон», «На малаксан, на фариштa», «Пари қишлоқ афсонаси», «Тўда» ва энг сўнггиси «Тошкентнинг нозанин маликаси» ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ҳайдар Муҳаммад қаламига мансуб бўлган бу асар бундан бир неча ўн йил муқаддам шу театр саҳнасида намойиш қилинган. Ўша даврда ундаги кўпчилик ролларни театрнинг кекса авлод вакиллари ижро этишган. Бугун эса уларнинг ижрочилари асосан театрнинг ёш авлоди. Бу ўринда албатта хўш, театр ижодкорларининг яна бу мавзуга қайтишига нима мажбур этди, деган ҳақли савол туғилади. Сабаби, унда кўтарилган мавзу ҳамон долзарблигича, айни бугунги кун учун ҳам муҳимлигича қолмоқда. Фарзанд тарбияси ва унда ота-онанинг роли ҳамма замонлар учун диққат-эътиборга молик бўлиб келган ва ҳозирда ҳам шу хусусиятини йўқотмаган. Мана шуни назарда тутиб театр жамоаси бу асарга қайта мурожаат қилишни мақбул кўришди.

Албатта асарда бир қатор ўзгаришлар бўлган. Бу нарса биринчи навбатда пьеса режиссёрининг фантазияси ва топқирлиги билан ифодаланади. Масалан, бир қўшиқни икки санъаткор (гарчи мусиқа бир хил бўлса-да) икки усулда ижро этади. Ижро усули қайсидир жиҳатлари билан бир-биридан фарқланиб туради. Пьесада ҳам шундай — бир режиссёрнинг иши кўриниши жиҳатидан иккинчисидан фарқланиб туради. Бу нарса айниқса саҳна кўринишларида, актёрларнинг ижро манерасида яққол кўзга ташланади.

Асарни саҳналаштирувчи режиссёрлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рустам Маъдиев ва Мирза Азизовларнинг талқинида биз мана шу янгича усулларни кўрамиз. Иқтидорли режиссёр ва артист Рустам Маъдиев бу жиҳатдан анча тажрибага эга. Унинг томонидан саҳналаштирилган бир қатор асарларга мунаққидлар муносиб баҳо беришган. Лекин Мирза Азизовни эса биз яқин-яқинларгача истеъдодли артист ва кино актёри сифатида тилга олиб келардик. Унинг томонидан саҳна юзини кўрган «Тўда» ва биз сўз юритаётган «Тошкентнинг нозанин маликаси» асарларни Мирза Азизовнинг салоҳиятли режиссёр эканлигидан ҳам дарак бериб турибди.

Режиссёрлар аввало ижрочилар ансамблини яхши танлашган. Етакчи ролларни театр ёшларига ишониб топширишган. Хусусан, бу ҳақда гап борганда Мунаввар — М.Ортиқова, Мардон — Ҳабибулла Ортиқовларни айтиб ўтиш мумкин. Улар ўзларига топширилган вазифани кўнгилдагидек бажаришган. Шунингдек, Музаффар ролини ижро этган Дилмурод Узоқов ва Отабек Ҳақбердиевларнинг ижроси ҳақида ҳам шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Шу ўринда театрнинг ёш авлодига мансуб бўлган Отабек Ҳақбердиев ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтишга тўғри келади. У шу театрда бундан бироз олдин саҳна юзини кўрган «Пари қишлоқ афсонаси»да ҳам бош ролнинг ижрочиси сифатида томошабинларга танилиб қолганди. Куни кеча Алишер Навоий номли кино саройида бўлиб ўтган «Ўткинчи бахт» фильмининг тақдимотида ҳам шу актёрнинг (гарчи у кинода биринчи марта суратга тушаётган бўлса-да) ўз ролини қиёмига етказиб ўйнаганининг гувоҳи бўлдик. Театр режиссёрини мана шундай изланувчан артистларни кўпроқ спектакларга жалб этишларини истардик.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳри Бекчонова ва Гулчеҳрахон Носировалар ижро этган Хайри ва Хонзодахон образлари ҳам маромига етган роллар сирасига киради. Айниқса, Хонзодахон ролини ўйнаган Гулчеҳра Носирована алоҳида таъкидламоқ жоиз. Хайри — Меҳри Бекчонованинг Яздон Собитович — Турсунбой Пиржонов, прокурор — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳамид Тўхтаев билан учрашув саҳналари томошабинни анча ўйлантиради. Прокурор Яздон Собитович — Турсунбой Пиржонов оғир, босиқ. У ички ишлар идораларида анча ишлаган, тажрибали, обрў-эътиборли мутахассис. Лекин оила бошлиғи сифатида қанчалик қаттиққўл бўлмасин, ўзи истамаган ҳолда хотини ва ўғлига эрк берган ота. Ҳатто спектакль охирида «Мен ўзгаларни тартибга, тарбияга чақирибману, лекин ўз ўғлимга етарли тарбия бера олмабман» қабилидаги сўзларни айтиб, ўз хатосига иқрор бўлади. Хотин ва ўғил эса унинг мана шу эътиборсизлигидан фойдаланишади. Она ёлғиз ўғли истагига кенг йўл очиб беради. Ўғил эса кўнгил кўчасига эрк беради. Атрофига ўзига ўхшаган ишёқмас, текинхўрликка ҳирс қўйган ҳамтовоқлари — Ирис — Умид Шодмонов, Рафиқ — Мурод Тўрақулларни тўплайди. Улар билан истаган номақбулчиликни қилаверади. У прокурор ота ўғлини ҳеч қачон жиноятчи сифатида қолдирмаслигига, ҳар қандай тўсиқдан олиб чиқиб кетишига ишонади.

Хайри — М.Бекчонованинг прокурор — Х.Тўхтаев билан учрашув саҳнаси ҳам анча ҳаяжонли. Прокурорнинг бу даражага етишида Яздон Собитовичнинг анча-мунча ҳиссаси бор. Хайри мана шу томондан прокурорга ўз таъсирини ўтказмоқчи бўлади. Прокурор икки ўт ўртасида. Мана шу психологик вазиятларни Х.Тўхтаев яхши очиб бера олган. У ўз виждонига қарши бора олмайди. Таниш-билишликдан кўра ўз бурчини устун кўяди.

Алишер Отабоев ижро этган Исмат Раҳматович саҳнада бир мартагина кўринса-да, томошабиннинг эсида узоқ сақланиб қолади. Унинг зиммасига ҳам оғир юк тушган. Қарангки, у бир кўринишда ҳам олим сифатида, ҳам Мардоннинг тоғаси — унга хайрихоҳлик билдирувчи инсон сифатида ўзини кўрсатиши керак. Артист бу ҳар иккала мажбуриятни ўзига хос тарзда ифода эта билган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаровнинг — терговчи Одилов роли ҳам эътиборга молик. У ҳақ гап тарафдори, ўзига хос ўжар. Ҳақиқатга қарши борганларни ёқтирмайди. Қилган ишини тан олган жиноятчини қайсидир даражада кечириши мумкин. Лекин ноҳақликка йўл кўя олмайди.

Театрнинг кекса санъаткорлари Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов ва артист Ҳаким Носиров ижросидаги Қувватов образлари ҳақида ҳам ижобий фикрларни айтиш мумкин. Тажрибали санъаткорлар ўзларига юклатилган ролни гарчи эпизодик бўлса-да, характер жиҳатидан оча билганлар.

Композитор Манас Левиев яратган мусиқа образлар характерини очишда ўзига хос рол ўйнаган. Шунингдек, саҳнани безашда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шуҳрат Абдумаликов хизматларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Биз бу билан спектаклда ҳеч қандай нуқсон йўқ. У ҳар жиҳатдан мукаммал демоқчи эмасмиз. Инсон борки хато бор. Эскилар беайб парвардигор деб бежиз айтишмайди. Масалан, Хайри билан ўғил саҳнасида онадаги ортиқча ҳаракатлар кўзга ташланади. Ҳар қандай она ўғли атрофида парвона бўлиши табиий. Лекин у фарзандига ҳеч қачон тобе бўлмайди. Унинг буйруқларини югуриб-елиб эмас, балки ўзига хос босиқлик билан бажаради. Хайри билан прокурор ўртасидаги психологик ҳолатни янада кучайтириш лозим деб ўйлаймиз. Шунингдек, Музаффар — Дилмурод Узоқов ва Отабек Ҳақбердиевларнинг Мунаввар билан учрашув картинасида айтадиган «Севаман, севаман» деган қўшиғи бир жойда туриб эмас, балки саҳнавий ҳаракатлар билан ифодаланиши мақсадга мувофиқ. Чунки севги-муҳаббатда куйиб-ёнган киши ўзини қўярга жой тополмай, елиб-югуриб куйлайди. Лекин спектаклнинг умумий муваффақияти бу жузъий камчиликларни ювиб кетади.

Режиссёрларнинг яна бир ютуғи шундаки, улар пьеса ечимини яхши топишган. Суд жиноятчиларни турли муддатларга ҳукм қилади. Мардоннинг отаси томонидан қилган умид чироғи сўнади. У энди эркин эмас, қафасга тушган қуш сингари нолаи фиғон қилади. Унинг рўпарасидаги темир тўсиқлар пьеса иштирокчилари томонидан бирма-бир кўпайиб боради. Охирида ота ўғли рўпарасига сўнгги тўсиқни қўяди. Бу билан томошабинда сенинг бундай ҳолга тушишингга биз ҳаммамиз айбдормиз деган хулоса келиб чиқади. Фақат она — Хайригина бу тўсиқларни олиб ташлаш тарафдори. Начора, ҳаёт ҳақиқати олдида она ҳам ожиз. Шу билан спектакль якунланади.

Бир сўз билан айтганда Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқали театрининг номига мос ўзига хос бир спектакль яратилдики, ўйлаймизки у умрибоқий саҳна асарлар қаторидан ўрин олади. Мухтасар қилиб айтганда яхши асар ҳеч қачон ўлмайди. У йиллар ўтса-да томошабинни ҳамиша ўзига тортиб туради.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР БУГУН БАРЧА СОҲАЛАР СИНГАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

Шу кунларда Россия Федерацияси Таълим ва фан вазирлиги вакилларидан иборат делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Ташриф чоғида меҳмонлар юртимиздаги қатор олий ўқув юртлари фаолияти билан яқиндан танишишди.

Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган учрашувда мазкур ўқув даргоҳ кадрлар тайёрлаш бўйича нафақат республикамизда, балки минтақада ҳам ўз нуфузига эга эканлиги эътироф этилди.

Россия Таълим ва фан вазирлигининг ўқув ишлари бўйича федерал агентлигининг ташкил этилганига икки йилдан ошди. Бугун унинг таркибида 1 минг 700дан ортиқ таълим муассасалари, жумладан, 349та олий ўқув юртлари бирлашган. Катта илмий салоҳиятга эга ушбу агентлик билан кадрлар алмашувини йўлга қўйиш, биргаликда ўқув услубий адабиётларни яратишда ўз самарасини бериши аниқ. Шу боис Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент Давлат техника университети ўқитувчилари агентлик вакиллари билан геология, нефт ва газ, амалий механика, менежмент йўналишларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олишди.

Россияликлар Талабалар шаҳарчасида олиб борилган бунёдкорлик ишлари, ётоқхоналардаги қулайликлар билан ҳам танишишди. Шунингдек, улар пойтахтдаги Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи ҳамда Тошкент Давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейида ҳам бўлишди.

«Туркистон-пресс»

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ким яхшилик қилса, яхшилик топади,
У жабру ситамларга қарамайди.
Кимда ким ёмонлик кўриб, яхшилик қилса,
Эй эзгу киши, мен сени орзу қиламан,
Эй эзгу сенга ким тўяди, айтиб бер менга
Энди бери кел, мен сенга жуда чанқоқман.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Луқмони Ҳаким ўз ўғлига деди:

—Эй ўғлим, қилган хатоларингни ўлгунингча кўз ўнгингда тут! Аммо қилган яхшиликларингни кўз олдингдан нари қил!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Мурувват бирла жонни нисор эт,
Ҳамиша яхшиликни шиор эт.

САЙҚАЛИЙ

Қўлингдан яхшилик келмаса, ёмонлик қилишдан ҳам қоч!

Агар оғзингда яхши гапинг бўлмаса тилингни бўҳтон ва ғийбат билан булғашдан асра! Байт:

Бировга яхши гап гапиролмасанг,
Заҳар ҳам қўшмагил ҳар бир сўзингга!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Меҳрки равшанлик этар фош ани,
Кимга кунаҳ кўрмаса хуффош ани.

НАВОИЙ

Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни ҳамда очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Дунё чаманининг булбулисен,
Гул шохида ошён этиб кет.

НОДИРА

Аблаҳни кўргилки, талашиб бир санг,
Ўзаро урушиб қилишади жанг!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдин онга яхшилик.

НАВОИЙ

Яхши ишлар денгизининг ғаввослари шундай кишилар бўладики, яхши ишлар жавоҳирини ҳусну-хулқ риштасига териб, ширинзабонлик шакарини каттакичик ошноларидан дариғ тутмайди ва ҳудди обиҳаёт каби барча мижозларига тинчлик ва ҳаловат бахш этади. Қўполлик ва тундлик ниши билан ҳеч кимнинг роҳат сийнасини мажруҳ қилмайди! Фард:

Агар бир дилни оғритсанг,
сени ҳам оғритар кимдир,
Ки битта сўзни тиғи юзта
шамширдан эрур ўткир.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Қозининг пора олиши динсизликдир.

ҲАДИС

Ҳакимлар айтмишлар: «яхшиликни асоси уч нарсада: биринчи, барчага нисбатан риёсиз камтарлиқда, иккинчи миннатсиз саховатда, учинчи ҳақ талаб қилинмайдиган хизматда. Одамлар тўрт нарсани қидирмасликка иложсиздирлар: биринчи, яхшилик ва ёмонликни ажратишга ёрдам берадиган илмни, иккинчи, тирикчилик ўтказишга керак бўладиган асбоб-анжомларни, учинчи, кайфиятни яхши тутадиган воситаларни, тўртинчи, одамлар билан муросани.

Букрот ҳаким айтган эди: «Ортиқча ширин бўлмагингки, еб юбормасинлар ва ортиқча аччиқ бўлмагингки, туфлаб ташламасинлар».

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам эрсам, ушбу басдур.

НАВОИЙ

Шарар оздурур сув била барҳам эт,
Улуғ бўлса, туфроғ сепиб, ўт кам эт.

МИРИЙ

Кўпчилик бирор киши ҳақида ҳукм чиқармагунча, уни яхши ёмон дейишдан тилингни тий. Инсон агар қулфланган сандиқ бўлса, уни тажриба аҳлигагина оча олади.

Шаббода гулзор ичидан ўтса гул ҳидини, сассиқ ердан ўтса, бадбўй ҳидини келтиради.

«ОТАЛАР сўзи»

Бошқаларга зиён истама, ўзинг ҳам зиён кўрма,
Фақат яхшилик қил, ҳавас ва орзуни билгин.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Жолинус вафот этган пайтда унинг чўнтагидан бир хат чиқди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган экан:

«Яхши одам ушбу дунёни тарк этса-да, бироқ у тирик ҳисобланади. Ёмон одам тирик бўлса-да, барибир ўлик қаторидадир».

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

БОБУР

Келтиришларича, Анушервон замонасида икки киши бор эди. Бу икки киши Анушервон ташкил этган ўтиришларда ҳозир бўлар эдилар. Бир куни ўтиришда улардан бири баланд овозда қуйидаги байтни ўқиди:

Яхшилигим қайтсин десанг сен,
Яхшилик қил, яхши ўй ўйла!

Иккинчиси эса қуйидаги байтни ўқиди:

Ёмонлигим қайтмасин десанг,
Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

РАСМЛАРДА ОНА-ВАТАН МАДҲИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИ ЁШЛАР МАРКАЗИДА «МЕНИНГ ВАТАНИМ» МАВЗУИДА ЁШ МУСАВВИРЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР КЎРИК-ТАНЛОВДА ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, БОЛАЛАР БАДИИЙ ИЖОДИЁТИ МАРКАЗЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтидорли ёшларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўқувчиларда муайян соҳага қизиқишни аниқлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини камол топтиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ҳам муносиб ўрни бор.

Кўрик-танловнинг якуний босқичига «Мустақил Ўзбекистоним», «Она-табиат», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Гиёвандлик — иллат» каби мавзулардаги юздан ортиқ расм танлаб олинди.

Ижодий беллашувда Самарқанд вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройи ўқувчиси Нурсултон Зибанов Гран-прига лойиқ топилди. Биринчи ўрин Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 26-ўрта мактаб ўқувчиси Анвар Баҳриддинов ҳамда Сирдарё вилоятидаги 1-ўрта мактаб ўқувчиси Абдулазиз Омонуллаевга насиб этди.

ЎзА

Футбол

ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

ВЬЕТНАМ ПОЙТАХТИ ХАНОЙ ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН РАВШАН ҲАЙДАРОВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИГА ИККИНЧИ УЧРАШУВДА ОМАД КУЛИБ БОҚМАДИ.

Гап шундаки, дастлабки беллашувда майдон эгалари билан куч синашган ҳамюртларимиз муросасиз ва шиддатли баҳсда 2:2 ҳисобида дуранг натижани қайд этишган, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритиш учун яхшигина имкониятга эга бўлишган эди.

Турнирнинг иккинчи баҳсида ўзбекистонлик чарм тўп усталари бразилиялик мутахассис Рене Симоеш устозлик қилаётган Эрон Олимпия терма жамоасига қарши майдонга тушишди. Очиғини тан олиш керак, маҳорат, тажриба бобида эронликларнинг ўзбекистонликлардан устун эканликлари яққол сезилиб қолди. Албатта, футболчиларимиз ҳам вазиятни тенглаштиришга ҳаракат қилишди, рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятлар содир этишди. Аммо, 90 дақиқа мобайнида эронликлар икки бора ўзбекистонликлар дарвозасини аниқ нишонга олиб 2:0 ҳисобида ғалабага эришишди. Ушбу учрашувда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мағлубиятга учраган бўлсада, гурухдаги сўнгги учрашувда Австралия олимпия терма жамоаси билан куч синашади. Агар ушбу беллашув мамлакатимиз вакилларининг ғалабаси билан якунланса кейинги босқич йўлланмаси қўлга киритилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ФАОЛЛИК КЎРСАТИНГ — ЮТАСИЗ

25 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

МУНАЖЖИМ В.ОСОКИНАНИНГ ИШОНЧ БИЛАН АЙТИШИЧА, БУГУН КАШФИЁТЛАР ВА СИРЛАР ОШКОР БЎЛАДИГАН КУН ЭКАН. ТУЙҒУЛАРИНГИЗ БУГУН СИЗГА ҲАҚИҚАТНИ БИЛДИРАДИ, ТУШИНГИЗДА ЁКИ ДИҚҚАТИНГИЗНИ БИР ЖОЙГА ЖАМЛАШ ОРҚАЛИ СИЗ КЕЛАЖАГИНГИЗНИ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН БЎЛАДИ.

Шу билан бирга, бугун фаол ва дадил ҳаракатлардан воз кечиб ҳам бўлмайди. Харидлар, пул амалиётлари,муҳим алоқалар, саёҳатлар омадли бўлади.

Бугун ўз хатти-ҳаракатларингизни аниқ идрок этишингиз ва улар учун жавоб беришингизга тўғри келади. Очиқ ҳавода сайр қилиш, табиат билан ошно бўлиш фойдали. Совуқ сув бугун шифобахш қувватга эга бўлади. Шунинг учун табиий сув ҳавзаларида, дарё, анҳорларда чўмилиб олиш ёки ҳеч бўлмаганда ванна ёхуд контраст душ қабул қилишингиз саломатлигингизни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўларди. Лекин кир ювиш ёки хўлланган латта билан уй жиҳозларини артиш билан бугун машғул бўлмаганингиз маъқул.

Қаттиқ интизом ва ўзини-ўзи назорат қила билиш мувозанатингизни сақлаш имконини беради. Янги таклифлар анча олдиндан сизнинг фаолиятингиз ва умуман машғулотингиз турини белгилаб беради. Муаммо шундаки, баъзан биз одатий ишлар билан ўралашиб қолиб, қачонлардир ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифалар моҳиятини эслашга вақт топиш имконига эга бўлмаймиз.

Бугунги кунги вазиятни ўз йўлимизга чиқиб олиш имкониятларидан бири сифатида баҳолашимиз мумкин. Бу ички кечинмалар, бир қарорга келиш осон бўлмайди. Лекин бир қарорга келиш зарур ва муқаррар.

Бугун қаттиқ чарчаш, кўзларни толиқтириш мумкин эмас – зеро, кўзлар ва бош мия томирлари заифлашган ҳолатда бўлади. Тромбофлебит, лимфа безлари касалликлари хуруж қилиши ҳам мумкин. Донорлик ҳамда қон олдириш ва қуйиш тавсия этилмайди.

Кийим-кечаклар масаласида ҳаворанг ва олтинранг либосларга устуворлик бериш керак. Яшил, қизил ва жигарранг кийимларингиздан воз кеча туринг.

ЯНГИ ЖУРНАЛ ТАҚДИМОТИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА "KINDER-PRESS" ЖУРНАЛИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур журнал болалар учун мўлжалланган бўлиб, ўзининг шакли, йўналиши ва мазмун-моҳияти билан шу каби бошқа нашрлардан тубдан фарқ қилади. Яъни, журнал рангли-безакли, шунингдек, унинг таркибида алоҳида мустақил нашр сифатида митти китобча ўрин олган, бундан ташқари ўйинчоқ-саҳифа ҳам бериб бориладики, болалар уни мустақил равишда йиғишлари мумкин. Ушбу журнал республикамизда илк бор ҳажвия жанрида чоп этилаётгани билан диққатга моликдир.

Журнал "Турон-иқбол" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилигида ва Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳаммуассислигида ўзбек ва рус тилларида нашр этилади.

Ҳозирча "**KINDER-PRESS**"нинг нишона сони чоп этилди. Журналнинг биринчи сони эса шу йилнинг май ойида нашрдан чиқади ва у Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланади.

«Туркистон-прес»

РОССИЯЛИК РАССОМ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТОШКЕНТ ФОТО УЙИДА РОССИЯЛИК МУСАВВИР ГАЛИНА СТЭПАН АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Унинг очилишида таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада равнақ топишида илм-фан, таълим, маданият соҳасидаги алоқаларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Мамлакатимиз ва Россияда муваффақиятли ўтказилган бадиий кўргазмалар, санъат фестивалляри, мусиқий кеча ва концертлар бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Россиялик машҳур рангтасвирчи, график Г.Стэпан табиат манзаралари, портрет каби жанрларда ижод қилади. Мўйқалам соҳибасининг «Сокинлик», «Санъатда аёл» каби мавзулардаги шахсий кўргазмалари кўпгина хорижий мамлакатларда муваффақиятли ўтган.

Ижодкор ўттиз йилдирки, юртимизнинг бетакрор табиат кўринишлари, меҳнаткаш, самимий, чеҳраси очиқ инсонлари ҳаёти, меъморий обидалари, боқий анъана ва қадриятларини турфа бўёқларда тасвирлаб келмоқда. Мазкур кўргазмада ҳам мусаввирнинг ана шундай асарларига кенг ўрин берилган. Унинг «Чимён», «Бурчмулла», «Сурхондарё мадоннаси», «Майдонтолда тонг» каби асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ЎзА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги «FARRUX-SAIDAMIR» номли 323-сонли мактабгача таълим муассасасининг фаолияти тугатилиши муносабати билан муассасанинг думалоқ муҳри ҳамда штампи
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги «DILOROM-MUFAZZAL» номли 250-сонли мактабгача таълим муассасаси фаолияти тугатилиши муносабати билан муассасанинг думалоқ муҳри ҳамда штампи
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» СИЗЛАРНИ «ESKI JO`VA DEHQON BOZORI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Биржа савдоларига «ESKI JO`VA DEHQON BOZORI» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги «ТИМ – 2» савдо мажмуасида жойлашган қуйидаги савдо дўконлари қўйилди:

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 12 (ўн иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 24 828 423,62 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 3 (учта) савдо дўконлари шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 28 139 767,86 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 64,24 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 56 252 703,25 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 64,97 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 56 950 980,37 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 65,88 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, бошланғич баҳоси – 57 820 284,22 сўм;

- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 36 971 425,82 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 33 659 497,58 сўмдан.



Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6